

# ТОНГ ЮЛАДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ КҮМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 39 (65915)  
1996 йил, 8 июнь, шанба

Сотувда  
эркин нархда

## КҮРИШГУНЧА



# «Ялла» ва «Болалар» гуруҳларининг муваффақияти!

Аҳмад ва Нуха Муҳаммад Магдий Дийфлар ака-сингил, мисрлик тенгдошларингиз. Мана бир йилдирки, улар дасанинг хизмати боис Тошкентда яшаб келишяпти. Дипломатларнинг фарзандлари уқийдиган махсус мактабда билим олишади.

Аҳмаднинг севимли машгулоти — футбол уйнаш, сузиш. Нуха эса буш вақтларида китоб уқишни, теннис уйнашни ёқтиради. Яқинда улар билан мисрлик болалар



ҳаёти, қизиқиш ва машгулотлари, шунингдек, Ўзбекистон ҳақидаги таассуротлари хусусида суҳбатлашдик: — Дадамизнинг ишлаш учун Ўзбекистонга жунаб кетишлари ҳақидаги хушхабарни эшитиб, ҳаммадан ҳам кўпроқ биз қувонгандик. Чунки телевидение курсатувлари орқали диёрингиз билан бироз булсада таниш эдик. Мана, Тошкентда яшаётганимизга ҳам ҳадемай бир йил булади. Шу қисқа фурсат ичида биз бу гузал диёрни худди ўз она юртимиздек севиб қолдик. Айниқса, кўҳна ва қадимий Самарқанд, Бухоро шаҳарлари, у ердаги кишини ҳайратга солувчи тарихий обидалар бизда жуда катта таассурот қолдирди. Алишер, Шароф исмли узбек болалари билан дустлашиб олганмиз. Улар билан биргаликда спорт секцияларига қатнаймиз. Бу ерда худди ўз уйимиздагидек яшаётганимизнинг боиси, урфодатларимиз, маросимлари-

миз, ҳатто миллий таомларимиз орасидаги фарқнинг унчалик катта эмаслигида булса керак. Озиқ-овқат маҳсулотларимиз ҳам деярли бир хил, фақат таомларнинг тайёрланишида бирозгина фарқ бор



экан. Узбек миллий таомларидан айниқса, палов, манти, лағмонлар бизга жуда ёқиб қолди.

Мисрлик болалар ҳам худди узбек болаларидек билимга чанқоқ ёшлар. Улар ҳам спортни жуда севишади. Уғил

болалар орасида футболни севмайдиганлари топилмаса керак. Мактабларимизда тиллар чуқур ургатилади. Ёз ойларида Коҳирада кунлар жуда исиб кетади. Шу боисдан ҳам ота-оналар болаларига кўпроқ дам олишлари учун шароит яратиб беришади.

Ҳадемай ёзги таътилни утказиш учун Мисрга жунаб кетамиз. «Ялла» ва «Болалар» гуруҳларининг қушиқлари бизга жуда манзур бўлди. Шу боис ҳам ана шу гуруҳларнинг қушиқлари ёзилган, шунингдек, Ўзбекистон, Тошкент ҳақида ҳикоя қилувчи видео тасмалардан, диёрингизнинг сулим манзаралари акс эттирилган фотосуратлардан жамлаб, Коҳирага олиб кетамиз. Чунки у ёқдаги болалар ҳам Ўзбекистонга жуда қизиқишади. Икки нафар узбек дустларимизни Коҳирага олиб кетмоқчимиз. Юртимизни сайр қилдирамиз, дустларимиз билан таништирамиз, миллий таомларимиз билан сийлаймиз.



Таътидан тез орада қайтамиз. Чунки Ўзбекистон билан хайрлашиш ниятимиз йук. Уқишларни муваффақиятли яқунлаб, худди дадамиздек Ўзбекистонда ишлашни, она юртимиз — Миср Араб Республикасига муносиб хизмат қилишни, шунингдек, мустақил Ўзбекистон равнақига оз булсада ўз улушимизни қушишни орзулаймиз.

Куришгунча хайр, жонажон Ўзбекистон, узбек дустларимиз!

**Адхам КАРИМОВ**  
суҳбатлашди.

### ҒОЛИБ АНИҚЛАНДИ

Мустақиллигимизнинг 5 йиллиги ҳамда соҳибқирон бобомиз Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган болалар спектакллари Республика курик-танлови утаётгани ҳақида илгари хабар берган эдик. Яқинда ана шу беллашув ўз нихоясига етди. Ҳамид Олимжон номли Самарқанд вилоят театри сахналаштирган «Чандунинг саргузаштлари» спектакли биринчи даражали мукофотга сазовор бўлди.

### БУЛАЖАК БАНКИРЛАР УЧУН

Андижонлик ўқувчиларга замонавий касб эгаси бўлиш имконияти янада кенгайди. Бу ердаги Чулпон номли 2-гимназияда банк ишлари буйича ўқувчилар қабул қилиш бошланди. Булажак банкирларга математика, инглиз тили, иқтисодиёт, менежмент, маркетинг фанлари чуқур ургатилади.



### БИР ҲАФТА ЯНГИЛИКЛАРИ

### САНЪАТ ВА СПОРТДА БИРИНЧИ

Пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек номли боғда «Соғлом авлод учун» жамғармаси ҳамда Республика жисмоний тарбия ва спорт кумитаси ташаббуси билан санъат ва спорт байрами бўлиб ўтди. Шаҳар болалар боғчалари қатнашган бу анжуманда Мирзо Улуғбек туманидаги 382- болалар боғчаси тарбияланувчилари голиб топилди.

### «ҒОТИМАНИНГ САРГУЗАШТЛАРИ» ҲИНДИСТОНДА

Республика кугирчоқ театри томошаларини севмайдиган боланинг узи булмаса керак. Яқинда ана шу театр жамоаси Ҳиндистоннинг «Компетент» ташкилоти таклифига кура шу мамлакатда бўлди. Театр ижодкорлари узбек ва инглиз тилларида тайёрлаган «Ғотима саргузаштлари» томошаси ҳинд болаларига бениҳоя манзур бўлди.

## Бизга ёздилар

Бора-бора нафақат туманда, балки вилоятда, Наманган, Андижон каби қушни вилоятларда буладиган катта концертлари таътаналарнинг доимий иштирокчисига айланди. Дилдан қушиқ куйлаб, уз мухлисларига эга бўлди. Халқнинг тилига тушди. Кимдир унинг қушиқчилик маҳорати ҳақида «Омон булгур, куйлаганда ҳам сел қилиб юборади-да», дея тулқинланиб гапирса, яна кимдир, «унинг ижросидаги мусикаларни ҳам тинглаганмисиз? Нақ Бетховен булиб кетади-я» деб суҳбатдошини ажаблантиради.

Дарҳақиқат, Жаҳонгир яхшигина мусикачи ҳам, таниқли ўзбек ва рус классик композиторларнинг асарларини фортепьянода шу даражада маҳорат билан ижро этадики, тинловчини ўзга бир оламга этаклагандек булади, гуе.

Ёш қушиқчи «Ўзбекистон— Ватаним» курик-танловига худди катталардек жиддий ҳозирлик курди. Репертуаридаги «Бойчагим», «Қувнанг болалар», «Бахти эркатой», «Мен қушчаман» каби қушиқлари қаторидан Ўзбекистон, она Ватан, диёр ҳақидаги қатор қушиқлари муносиб урин олди. Улар орасидаги Чархий шеърига дадаси Абдураҳим Комилов куй басталаган «Диёрим узинг» қушигини Жаҳонгир алоҳида завқу шавқ билан ижро этади. Ана шу қушигини куйлаб, туман, шаҳар миқёсида утказилган курик-танловларда голибликни қўлга киритди, вилоят курик-танловида ҳам иштирок этди. Ватан, юрт ҳақида куйлаш, куйлаганда ҳам зур маҳорат, катта масъулият билан сахнага олиб чиқа билиш лозимлигини жуда яхши англаб етган.

Жаҳонгир Комилов ҳали жуда ёш, эндигина 7-синфда ўқияпти. Лекин гап ёшда эмас. Унинг айтилажак қушиқлари ҳали мул. Санъатнинг сехри оламига эндигина қадам қўяётган Жаҳонгирнинг йуллари равон бўлсин!

**Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ,**  
Фаргона вилояти.



## ГАП ЁШДА ЭМАС...

Жаҳонгир илк бор қушиқ куйлаб сахнага чиққанида эндигина Қува шаҳридаги 3-лицейнинг 1-синфига қадам қўйган, «Алифбе»даги ҳарфларни ҳижжалаб ўқиб юрган болакай эди. Ушанда «Дарё тошқин...» халқ термалари асосидаги қушигини «маромига етказиб» ижро этган Жаҳонгирнинг ҳали тулалигича намоён бўлмаган истеъдоди, ижро услуби қўччиликнинг диққат-эътиборини тортганди. Шу қушиги сабаб уни шаҳардаги Қўчқорали Мирзаолимов номли мусика мактабига ўқишга таклиф этишди. Бир вақтнинг ўзида ҳам мусика мактабига, ҳам шаҳар маданият уйи қошидаги «Зебо» ашула ва рақс дастасига қатнай бошлади. «Нилуфар» номли болалар дастасининг концерт дастурларида ҳам уз қушиқ ва куйлари билан иштирок этарди. Пойтахтимиз Тошкентда булиб ўтган «Наврўз», «Мустақиллик» тантаналарида қушиқ куйлаган ёш хонандани минглаб томошабинлар гулдирас қарсақлар билан олқишлашди.

## КИТОБ — ОФТОБЛИКНИ РОСТИ

Қадимдан ота-боболаримиз китобни офтобга қиёс этишган. Офтоб жаҳонни ёритса, китоб инсонлар онгини, қалбини ёритади, нурафшон этади. Мана, 25 йилдан буён ёшлар билан биргаман, ўқувчиларга ўзбек тили ва адабиёти фанидан сабоқ бериб келяпман. Куп йиллик меҳнатларим эвазига «Соғлом авлод учун» нишони билан тақдирландим. Бунинг учун мен аввало китобдан миннатдорман. Уғил-

қизларимни ҳам китоб билан дўстлашишга ундайман.

«Тонг юлдузи» газетасини ўқувчилик йилларимдан ўқиб келаман. Менга, айниқса, мактаб ҳаётига оид, унда меҳнат қилаётган фидоий инсонлар ҳақида бериб борилаётган саҳифалар жуда ёқади. «Нилуфар» клуби эса болажонларимизда она-табиатга меҳр уйғотади. «Мунозара» фикрлашга, баҳсга чорлайди. Фарзандларим ёзги таътилга чиқиб, улар-

ни оромгоҳларга кузатдим. Кузатув чоғида уғлим Муроджон «Ойижон, бизни соғиниб йўқлаб борганингизда, албатта қизиқарли китоблар ва обуна бўлган газеталаримиздан олиб боринг-а? — деб тайинлашди. Хурсанд булиб кетдим. Китобда гап куп. Ўқиган сари сирларини, жумбоқларини ақл билан еча борасиз. Китоб ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин, болажонларим!

**Мўмина АХМЕДОВА,**  
Фаргона вилояти, Қува тумани,  
Собир Раҳимов номли  
33-ўрта мактаб  
муаллимаси.

## Ўқинг, хулоса чиқаринг

Ит тумшугини олд оёқларига қўйганча утган-кетган машиналарни сабр-тоқат билан кузатади. Одамлар ҳайдаса ҳам, очликдан эти устихонига ёпишиб қолса ҳам жойидан қўзғалмай кимнидир кутади. Узи «қуриқ»лаётган катта, автомобиллар утадиган куприкнинг тор, пиедалар утадиган йулагида олти ойки кутиш билан умрини утказмоқда. Ҳар куни йулдан утиб кетаётган баъзи кунгилчан ҳайдовчилар унга бирор егулик ташлаб утишади.

Айтишларича, итнинг «меҳрибон» эгаси «Жигули»дан тушириб «Шу ерни қуриқла!» дея буйруқ бериб кетворган. Бечора жонивор уни бутунлай ташлаб кетишганини қаердан ҳам билсин.

**ЕРДАМ БЕРАМАН**  
ДЕБ ҚОЧИБ ҚОЛДИ  
Смоленсклик Витя пул иш-

Жияним Наргиза 9 ойлик бўлди. Жудаям ёқимтой. Менга тушунарсиз тилда нималарнидир сузлайди. Наргизанинг ота-онаси Иброҳим амаким ва Дилрабо келинойим мени эркалаб, «Дастёр қиз» деб чақирди-

ҳуда утмас экан. Чунки мен Наргиза билан эртадан кечгача биргаман. Муаллим опамиз таътил кунларини қандай утказганимиз, қаерларда дам олганимиз ҳақида ёзма топшириқ бердилар. Мен эса нима ту-



шадди. Рост-да, ахир, улар эрта туриб бирлари ишга, бирлари уй-юмушларига уннаб кетадилар. Мен эса Наргизани арава-часига солиб, сулим кучаларда, сув буйларида сайр қилдираман. У билан узимча сузлашаман. Наргиза худди сузларимни тушунгандек жилмайиб, қиқир-қиқир кулади.

Мана, ёз фасли келиб мактабларда дарс машгулотлари туғади. Ўқувчилар озиқиб кутган таътил кунлари бошланди. Ўйлаб курсам, 3 ой вақтим бе-

рисида ёзмоқни аввалдан ўйлаб қўйганман. Наргизани парвариплашда ота-онасига ердан берганим, табиат қўйнида сайр қилдирганим ва у билан бирга узим ҳам мароқли дам олганим ҳақида ёзмоқчиман. Хуллас, «Дастёр қиз» номимга муносиб бўлмоқчиман.

**Мафтуна**  
**АБДУВОҲИДОВА,**  
Андижон вилояти,  
Шахрихон шаҳри, Оразий  
номли 9-мактабнинг  
1-синф ўқувчиси.



лашнинг антиқа йулини топди. «Мактабимизда аввалги пайтлардагидек «Тимурчилар отряди» тузилди» тантанавор эълон қилди у ҳеч кими йўқ қариялар хузурига бориб, — «Қизлар уй юмушларини бажаришда ердан-

УНИ  
ТАШЛАБ  
КЕТИШГАН  
ЭДИ...

лашади, угил болалар булса дукондан зарур нарсаларни харид қилиб келади».

У шундай деб дукондан олинандиган баъзи маҳсулотлар рўйхатини ёзиб олди, пулни олгач эса тезда «қуён» бўлди.

Маълумотларга қараганда, кичкина фирибгар уша кунлари 100 минг рубл «ишлаб» олибди.

ЯХШИСИ,  
ЙИҚИЛМАЙ ҚЎЯ  
ҚОЛИНГ

Уч ёшли Оленка саккизинчи қаватдан ерга қулади. Хайриятки, псковлик бу қизалоқ тирик қолди. Уни барибир касалхонага олиб кетишди. Шифокорларнинг фикрича, қизчанинг омон қолганлиги сабаби ерга муваффақиятли «қунган»лигида экан. Ахир иккинчи қаватдан йиқилиб тушган болалар ҳам соғ қолган эмас-да. Яқинда бешинчи қават деразасидан «учиб» тушган болакай ҳам тирик қолди.

— Демак, уларнинг тақдирини шунақа, — энгил тин олди «тез ердан» шифокори, — улар тошдек асфальтга эмас, юмшоққина ерга «қуниш»ган.

Аммо баладликдан йиқилишни ҳеч кимнинг бошига солмасин.

**А. Абдугаппаров турли матбуот нашрлари асосида тайёрлади.**



# Меҳр Тилга Эмас...



Ҳалигача едимдан чиқмайди. Қишлоғимизда Полвонбиби деган аёл яшарди. Унинг асл номини қишлоқда ҳеч ким эслолмасди. Полвонбиби номини у уқтам буй-баста, ростгуйлиги, меҳнатсеварлиги, орқасидан орғитган эди. Айтишларича, бу аёлнинг турмуш уртоғи сувга чуқиб, нобуд булган, уч угли жангдан қайтмаган экан.

Ҳайхотдек ҳовлида Полвонбиби елгиз яшарди. Унинг баҳайбат бир кучуги булғуси эди. Итнинг ҳайбатидан ҳамма қурқарди. Кучуги ҳар сафар болалаганда унинг ола-була болаларини қуришга ошиқарди. Бутун қишлоқ болалари негадир шу аёлнинг пастқамгина ҳовлисида уйнашни хуш қуларди. Қолаверса, Полвонбибидан бошқа ҳеч ким бизни уйнаш учун уйига киритмасди ҳам. Бирон-бир қилган шухлигимиз, номаъқул ишимиз учун ота-онамиздан қалтқак ейиш хавфи туғилдими, нажоткор қалъа — Полвонбибининг ҳовлисига яшириниб оларди. Унинг тахмони ортидаги кичкинагина равоот бизни қанчадан-қанча қалтқаклардан асраб қолмаган, дейсиз. Полвонбибининг ити Олапар ҳам биз билан жуда иноқ эди. Негадир унинг кузлари худди одамнинг кузларига ухшаб кетарди.

Бутун қишлоқ аҳли Полвонбибининг ҳолидан хабардор булиб туришар, навбатма-навбат ҳар куни кечқурун овқат олиб чиқишар эди. Бир куни онам берган косадаги овқатни кутариб, Полвонбибининг уйига чиқдим. Ичкаридан гунгир-гунгир овозлар эшитиларди. Ҳайрон булиб кулоқ тутдим. Полвонбиби ким биландир гаплашарди. Қуниқушларнинг: «Бу аёл елгизликдан бора-бора ақлдан озади-ёв. Уч фарзанд доғини кутаришнинг узи булмайди ахир!» деган гап-сузлари едимга тушиб кетди. Ичкари кириб ҳайронлигим баттар ортди. Полвонбиби итининг буйнидан кучоқлаб, алланималар деб гапирар, Олапар ҳам худди тушунгандек, эгасига қараб турарди. Мени кўри-ю Полвонбиби шоша-пиша ҳузуримга ошиқди. Қулимдан косани олиб овқатни бушатгач, одатича уни қанд-курсга туддирди. Косани олиб ташқарига йуналдим. Шу пайт остонада етган Олапарнинг кузларига кўзим тушиб қолди. У йиғларди. Мен бу воқеани ҳеч кимга гапириб берганим йўқ. Лекин тасаввуримда Полвонбиби ва унинг кучуги аллақандай сирли синоатга айланди.

Орадан кўп-утгани йўқ. Бир куни эрта тонгда қандайдир йиғи овозларидан уйғониб кетдим. Нима гап? дегандек онамга юзландим. Онамнинг йиғидан қабоқлари шишиб кетганди: «Қизим, Полвонбиби оламдан утибдилар, худо раҳмат қилсин», дея юзларига фотиҳа тортдилар. Мен онамнинг гапла-

рига ишонмадим. Негадир яхши одамларнинг ҳам улишига сира-сира ишонмасдим. Олисан тобут кутариб кетаётган одамларни курғачина, бу гапнинг ростлигига амин булдим. Уша куни узок йиғладим...

Кейин эса Полвонбибининг кучуги Олапар ҳақидаги гап-сузлар тарқалди. Айтишларича, у таъзияга келган ҳар бир одамнинг оёғига бош қўйиб, йиғлаганмиш, тобутнинг орқасидан югурганмиш, ҳайдашса ҳам кетмаганмиш.

Олапарнинг кейинги қисмати оғир кечди. У ҳеч кимга қайрилиб қарамас, овқат берсак, номигагина оғиз теккизар, орқа оёқлари орасига бошини яширган куйи уйчан ётаверарди.


Уша йили киш қаттиқ келди. Қишлоқ одамлари меҳрига суяниб қолган, озиб-гузиб кетган Олапар йўқолиб қолди. Қишлоқ мазорини қордан тозалашга чиққан одамлар Полвонбиби қабри устида совуқдан музлаб қолган Олапарнинг жасадини ййдоқ далага кумиб қайтишибди.

Орадан йиллар утди. Биз ҳам улгайдик. Кўп нарсаларни англаб етдик. Лекин ханузгача Полвонбиби ва унинг вафодор ити ҳақидаги жумбоқлар мёнга тинчлик бермайди.



Бир куни мактабдан қайтаётиб, йул устида етган қандайдир тошга қоқилиб кетдим. Бошқалар ҳам қоқилиб кетишмасин деб, тошни бир четга олиб куймоқчи булдим. Не куз билан қурайки, ҳалиги тош секин-аста қимирлай бошлади. Яқинроқ бориб қарасам, у тош эмас, каттагина тошбақа экан. Хурсанд булиб кетдим. Ахир анчадан буён тошбақа боқини орзу қилиб юрардимда. Худди ниятимни пайқагандек тошбақа ҳам косаси остидан миттигина қалласини чиқариб, митти кузлари билан менга қараб қуйди. Уни олиб, уйга югурдим. Унинг учун махсус жой ҳозирлаб, дарҳол овқатлантиришга киришдим. Бора-бора у менга, мен унга қуниқиб қолдик. Ҳатто унинг тилига тушунадиган ҳам булиб қолдим. Узига муносиб исм топдим, уни Миттивой деб атай бошладим. Буш вақт топдим дегунча у билан бирга табиат қўйнида сайр қиламиз. Мактабдан бироз ҳаяжлаб қолгудек бўлсам, Миттивой дарвозанинг тағида мени кутади-ган булиб қолди. Назаримда катта шаҳарда адашиб қолганида уни уйимга олиб келганим, меҳр билан парваринглаётганим учун у мендан миннатдордек, менга мамнун термулаётандек туюларди. Аслида эса мен ундан миннатдор эдим. Шу Миттивой туфайли она табиатга, жонзотлар оламига янада яқинроқ, янада меҳрибонроқ булиб қолган эдим. Раҳмат сенга, Миттивой!

**Зафаржон МУСАЕВ,  
Тошкентдаги 59-мактаб  
ўқувчиси.**



Ҳозир сизларга сузламоқчи булган афсонамни отам уз бобосидан эшитган экан...

Жуда қадим замонда, қушна Хоразм томонда жуда одил ва адолатли бир подшо утган экан. Унинг қул остидаги халқ ниҳоятда фаровон, тўқ ва иноқ яшар экан. Подшонинг Қорабайр номи оти булиб, у узининг зийраклиги ва вафодорлиги билан эл оғзига тушган экан. Подшо уни кўз қорачигидек асрар, унда сайр қилиш учун фақат сеvimли угли — кичкина шаҳзодагагина рухсат берар экан.

Кунлардан бир куни тинчликсевар бу мамлакатга қушни юртнинг подшоси уруш очибди. Аммо қанчалик чиранмасин, қанчалар қон тукмасин адолатли мамлакатнинг халқини енга олмабди. Шунда ҳасадгуй подшо ҳийла йулига утибди: икки айғоқчисини юбориб, подшонинг угли кичик шаҳзодани угирлаб келибди ва отасига қуйидаги мазмунда мактуб йуллабди: «Фарзандимни соғомон қурай десанг, менга таслим бул. Акс ҳолда суюкли углингни қайта қуролмайсан».

Адолатли подшонинг боши қотиб қолибди: бир тарафда сеvimли ва унга садоқатли халқи, бир тарафда кузининг оқу-қароси угли. Гамга ботган подшо оғир хасталикка чалинибди. Подшонинг бошига тушган мусибатни унинг фаросатли оти Қорабайр ҳам ҳис қилибди.

Бир куни тунда, ҳамма уйқуда пайти Қорабайр қушни мамлакат томон йул олибди. Етти кеча-ю етти кундуз йул босиб, душман юртига етибди. Ярим тунда ёвуз подшо қароргоҳига кириб, айғоқчилар қуршовида етган шаҳзода-ни секингина устига миндириб, уз юртига равона булибди. Бундан хабар топган душман лашкари Қорабайр ортидан от солибди. Найзалар отишибди. Душман уқидан ярадор булган Қорабайр қонга беланиб, Ватан тупроғи узра шамолдек елибди. Фарзандини қурган бемор ота оёққа туриб кетибди. Қонга беланган, обдон ҳолдан тойган Қорабайр эса унинг оёқлари остига йиқилибди-ю жон берибди.

Подшо вафодор отини кумиб, анча вақтгача унга аза очибди. Айтишларича, Хоразмда ҳали-ҳануз унинг қабри сақланар эмиш. Чавандозлар уни зиёрат қи-

лишармиш...

Мен узим ҳам отларни жуда яхши қураман. Қишлоқда бобомнинг отлари бор. Унга Қорабайр дея мен исм қуйганман. Шу боис ҳар галги таътилни интизорлик билан кутаман. Мени эса Қорабайрим кутади.

**Юлдузхон АБАЗОВА,  
Тошкент шаҳридаги 282-мактаб  
ўқувчиси.**



Қайсидир бир замонда, номаълум томонда Илон подшо утган экан. Фақат тухум ейиш жонига тегибди-ю содиқ хизматкори Қовоғарини ҳузурига чорлабди. Ва унга дунёда энг мазали гушт қайси жонзотники эканлигини аниқлаб келишни буюрибди. Қай жонзотнинг гушти ширин булса, мен бундан буён ушанинг гушtidан тановул қиламан, дебди.

Қовоғари барча жонзотларнинг гуштини татиб қурибди, еқмабди. Шу пайт унинг олдида қалдирғоч чиқиб қолибди:

— Ҳа, Қовоғари, ташвишли қури-насан? — саволга тутибди уни. Қовоғари нима мақсадда юрганлигини, шошиб турганлигини айтиб, учиб кетибди.

Анчадан кейин хурсанд ҳолда қайтаётган Қовоғарининг йулини яна ҳалиги қалдирғоч тусибди. Шунда Қовоғари энг мазали гушт одамзотнинг гушти эканлигини ва бу хушхабарни тезда Илон подшога етказиш ниятида эканлигини айтибди. «Агар гапларинг рост булса, тилингни чиқар-чи, мен ҳам бир татиб қурай» дебди ҳийла ишлатиб. Лақма Қовоғари тилини чиқарибди. Қалдирғоч шу заҳотиёқ унинг тилини чуқиб олибди.

Тилсиз Қовоғари илоннинг олдида бориб, қалдирғочни курсатиб, нима-лардир деб гулдирабди. Демак энг мазали гушт қалдирғочники экан-да, деб уйлабди Илон подшо. Ва ушандан буён бугундаги қалдирғоч инига талпинар, унинг болаларини ейишга ҳаракат қилар экан.

Қурдингизми, қалдирғоч уз ҳаётини хавф остига қуйиб булса ҳам биз одамларни ҳимоя қилибди. Ҳалигача бошимиз узра бизни қуриқлаб учади. До-нишманд боболаримиз ҳам: «Бефайз уйга қалдирғоч ин қурмайди деб бежиз айтишмаган.

**Саҳифани Ҳалима Аҳмедова  
тайёрлади.**

**Шоирлар болаларга**



Оилада тарбиявий  
Мажлис борармиш гуё,  
Англолмай турдик бироз,  
Ҳақиқатми, ё руе?  
Дадасининг урнида  
Утирар эмиш Ҳамдам.  
Ота-она, ака-опа,  
Утиришар бошлар ҳам.  
Кузларида кузойнак,  
Жиддий туғиб узини.  
— Ху-уш, дея салмоқланиб,  
Бошлабди у сузини:  
— «Ота угил» — дадажон,  
Қани айтингчи бизга.  
Мактабда нима гапшар,  
Эшитайлик, суз сизга!  
Кундалигингиз курдим,  
«2» босиб кетибди.  
Хулқингиздан устозлар,  
Охи кукка етибди.  
Отаси не деярин,  
Билолмай турар гаранг.  
— Ҳалиги, нима эди...  
Дея олди у аранг.  
Сунгра койиш навбати  
Онасига етибди.  
— Яқинроқ келинг, — дея  
Сузин давом этибди.  
— Кап-катта булсангиз ҳам,  
Юз-қуллаар кир, бу не хол?  
Киригиз ювавериб,  
Қолмади қулда мажол.  
Ҳар тонг уйғотиш азоб,  
Хархашадан толдим-ку.  
Юриш-туришингиздан,  
Уятларга қолдим-ку?!  
Йиғламоқдан узини  
Базур тияр онаси.  
— Бунти етар, койишнинг,  
Келганди-ку, хонаси.  
— Хуш, меҳрибон опагон,  
Бирор янгилик борми?  
Чақимчилик бобида,  
Маълумотлар бисерми?  
Тунов куни дарсдан  
Яна ура қочибсиз.  
Папкангизни унутиб,



Уз сирингиз очибсиз.  
Ешликда олган билим,  
Тошнинг нақши, бор нақл!  
Дустларингиз бинойи,  
Сизга кирмайди ақл.  
«Дадаси»нинг дакки-ю  
Дашноми кор қилибди.  
Куз ёш қилай дебди-ю  
Уялиб, ор қилибди.  
Остонада акаси,  
Турар ишсиз боғланиб.  
Ур-калтак булиб қолса,  
Қочиш учун чоғланиб.  
— Кучамиз болалари,  
Дастингиздан «дод» дейди.  
Теккан ҳам, тегмаган ҳам,  
Сиз «зур»дан калтак ейди.  
Қизларнинг уйинини  
Бузиб, «ишқал» бошлайсиз.  
Сочдан тортиб, ранжитиб,  
Кунгилларни гашлайсиз.  
Нима эмиш? Ҳамдамжон,  
Фалончини урибди.  
Бугун менинг ҳам қулим,  
Бироз қичиб турибди.  
Калтакнинг дарагидан  
Ака ура қочибди.  
Мажлис сабаб «дадаси»,  
Уз сирини очибди.  
Шу пайт опаси дебди:  
— Кузингни оч, хой  
Ҳамдам.

Дадам чақиряптилар,  
Олгин кундалигинг ҳам...  
**Феруза ЖАЛИЛОВА.**



**БОЛАНИНГ ТИЛИ ШИРИН**

Бувиси кучадан югуриб кирган набира-  
сини бағрига босиб, қуюқ кўришди:  
— Эсонмисан, омонмисан?..  
— Бувижон танимаяпсизми, мен ахир  
Ботирман-ку!


— Дада, сабини ҳам осмонга иргитиб  
юборсак, гумбурлаб, ҳар хил учқунлар чиқади-  
ми?  
— Йук, нега ундай деяпсан?  
— Бозордан олиб келган сабзимни узингиз  
«мушак экан» дедингиз-ку...

**Бўш вақтларда**

**ЎҚИНГ-ЧИ!**

Азиз уқувчилар! Шакл-  
дан бош ҳарфни топиб,  
барча хоналар буйича кет-  
ма-кет ўқинг-чи! Бунда  
сизга қарата айтилган иб-  
ратли сузлардан бири аён  
булади.

**Ф. ОРИПОВ.**



**ВЕЛОСИПЕД ОЛМОҚЧИ ЭДИМ...**

Анча вақтдан буён велосипед сотиб олишни орзу қилиб юрардим. Бу ҳақида ҳар гал гап кетганида, уйдагилар «Сабр қилиб тур» дейишдан нари утишмасди. Орзуимнинг амалга ошишига нарх-навонинг ошиши ҳам тусқинлик қилди. Шунда, узим пул ишлаб топишга қарор қилдим. Ёзги таътилнинг бошланиши менга қул келди. Боғимизда қулпинай гарқ пишиди. Сара-сараларидан териб, бозорга олиб чиқдим. Орадан ҳеч фурсат утмай, бир даста пул билан уйга қайтаман. Уларни онамга тутқазаман. Онам эса пешонамдан упиб қуйиб, «мана буниси сенга, йиғаётган пулларингга қушиб қуй» дейдилар. Кейин эса гилосимиз етибди. Мендан ҳам аввал уларга олашақшақу чуғурчуқлар уч булиб олишди. Ҳар тонг қушлар билан баҳслашгандай челақ-челақ гилос тераман. Қушлар қоринларига, мен эса челақка тераман. Укам иккимиз саҳарлаб бозорлаб келган пулимизнинг ҳам маълум қисми узимга тегади.

Шундай қилиб йиққан пулларим велосипед сотиб олиш учун етай деб қолганди... Тунов куни дустим Камолларни кига чиқсам, урик соясида аллақандай газета ўқиб ётибди. Бир ўқийди, бир кулади. Қарасам «Тонг юлдузи» газетаси экан. Унда эълон қилинган қувноқ хандаларни ўқиб, мириқиб қуляпти. Ҳавасим келиб кетди. Йил бошида мен ҳам шу газетага обуна булсам булар экан, дея ачиниб тургандим, ундаги эълонга кузим тушиб қолди. Иккинчи ярим йиллик учун обуна эълон қилинибди. Ҳеч иккиланмай жамлаган пулимдан олиб, почтага ошиқдим. Велосипед қочиб кетмас, а, нима дейсизлар?!

**Зарифжон УСМОНОВ,**  
Тошкент вилояти,  
Қибрай тумани.  
**У. Юсупов номли жамоа хўжалиги.**



**ТЕЗ АЙТИШЛАР**

Қуқи кук сомса,  
Қуқи кук сомса.

\*\*\*

Шаҳрисабзда Шохбоз шоввоз дорбоз бор.

\*\*\*

Нортой Холтойни  
Олтойда олти ой олдин  
қурган экан.

**ТОНГ ЮЛДУЗИ**  
Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

**Бош муҳаррир Умида АБДУАЗИМОВА**

**Тахрир хайъати:**  
Наримон ОРИФЖОНОВ,  
Омон МАТЖОН,  
Гулнора ЙЎЛДОШЕВА,  
Марат ШАФИЕВ,  
Феруза ЖАЛИЛОВА.

IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ Буюртма — Г -0317. 7691 нусхада босилди. Қоғоз бичими — А-3. Босишга тошириш вақти 19.00 Тоширилди — 18.30

• Рўйхатдан ўтмиш тартиби № 000137  
• Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
• Телефон: 33-44-25

